

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

**“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ” ФАНИДАН**

# **КУРС ИШИ**

**Мавзу:**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ СОТИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН  
ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ  
(“УРГУТ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ МИСОЛИДА)**

**Бажарди: БҲ-112 гуруҳ талабаси**

**Рахмонов Ж.**

**Илмий раҳбар: Профессор Уразов К. Б.**

**САМАРҚАНД-2015**

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                                                                    |           |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                                                  | <b>3</b>  |
| <b>1-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШ ВА<br/>ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР<br/>ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>                                   |           |
| <b>1.1</b> Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-<br>китоблар ҳисобининг бухгалтерия объекти сифатидаги таснифи<br>ва тавсифи..... | <b>6</b>  |
| <b>1.2</b> Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан<br>ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари<br>ва тамойиллари.....       | <b>12</b> |
| <b>2-БОБ. «УРГУТ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ»<br/>КОРХОНАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ СОТИШ ВА<br/>ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ<br/>ҲИСОБИ</b>       |           |
| <b>2.1</b> Ургут туман электр тармоғи корхонаси ва унинг асосий<br>ҳўжалик фаолияти кўрсаткичларнинг умумий тавсифи.....                           | <b>15</b> |
| <b>2.2</b> Электр энергиясини сотиб олинишининг ҳисоби.....                                                                                        | <b>18</b> |
| <b>2.3</b> Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-<br>китобларнинг ҳисоби.....                                                      | <b>20</b> |
| <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....</b>                                                                                                                    | <b>38</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                       | <b>40</b> |
| <b>ИЛОВАЛАР.....</b>                                                                                                                               | <b>42</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Халқимиз фаровонлиги, одамлар ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадидир. Бу мақсадга эришиш учун республикамызда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида модернизациялаш, маҳсулот турларини диверсификациялаш, экспортбоп ва импорт ўрнини боса оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервисни тубдан яхшилашга қаратилган кўплаб давлат дастурлари ҳамда инвестицион лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Президентимиз республикамызни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида эришилган натижаларга чуқур тўхталдилар ва қуйидагиларни таъкидладилар:

«2014 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга ошди... Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди... 2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга ошди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон.

Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида энергетика тармоғининг ўрни бекиёсдир. Чунки, электр энергиясиз биронта бошқа тармоқ ва соҳани ривожлантириб бўлмайди, усиз аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини кўтаришга эришилмайди. Шу боис, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб берувчи энергетика соҳасига кирувчи субъектларни раванқ топтириш республикаимизда устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган электр энергиясини тежаб-тергашда, ундан самарали фойдаланишда бевосита ушбу моддий бойликни сотиш билан шуғулланувчи субъектлар муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилувчи ушбу субъектлар олдида республикаимизнинг барча ҳудудларидаги юридик ва жисмоний шахсларни электр энергияси билан таъминлаш, улар билан ҳисоб-китобларни олиб боришдек муҳим ва масъул вазифалар юклатилган. Ушбу муҳим вазифаларни ўз вақтида бажариш электр энергиясини сотиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг тўғри ташкил этилганлигига, уни ҳаққоний бошқарув дастаги ҳамда назорат воситаси даражасига етказилганлигига бевосита боғлиқ. Корхоналар ва аҳолини электр энергияси билан тўлиқ таъминлашнинг устуворлиги, электр энергияси учун вужудга келаётган дебиторлик қарзларни ўз вақтида ундириб олишнинг ўта муҳимлиги ушбу соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисобини узлуксиз такомиллаштириб боришни, унинг турли назарий, услубий ва ташкилий муаммоларини ҳал қилишни тақозо этмоқда. Ушбу муаммоларнинг етарлича тадқиқ қилинмаганлиги, уларни даврий адабиётларда етарлича ўз аксини топмаганлиги танланган мавзунининг ўта долзабрлигидан дарак беради.

**Мавзунинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Курс иши Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ва мазкур доирада бажарилган.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу курс ишнинг мақсади электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг назарий, ташкилий ва услубий масалаларини тадқиқ қилиш ва у асосда уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун курс иши олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

\*электр энергияси ва унинг учун истеъмолчилар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти ҳамда таснифий ва тавсифий жиҳатларини очиқ бериш;

\*электр энергияси ва унинг учун истеъмолчилар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ҳисоби олидида турган асосий вазифаларни белгилаш;

\* электр энергиясини сотиб олиш ва сотиш операциялари ҳамда истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш бўйича корхоналар тажрибасини ўрганиш, улардаги камчиликларни очиқ бериш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Изланишлар объекти ва предмети.** Курс иши мавзуси бўйича тадқиқотларимиз объекти сифатида «Ургут туман электр таъминоти» корхонаси танлаб олинди. Изланишнинг предмети бўлиб ўзига хос товар ва неъмат бўлган электр энергиясини сотишга оид иқтисодий жараёнлар ва молиявий муносабатлар, ушбу жараёнлар ва муносабатларни ҳисобга олишнинг назарий, ташкилий ва методологик масалалари ҳисобланади.

**Ишнинг таркиби.** Курс иши кириш, иккита боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, жами ҳажми 42 бетни ташкил этади.

# **1-БОБ. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1.Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб- китоблар ҳисобининг бухгалтерия объекти сифатидаги таснифи ва тавсифи**

Кишилиқ жамиятини электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу неъматсиз жамиятда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланмайди. Электр энергияси кишилиқ жамиятида моддий ва номоддий бойликларни ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Унинг ўзи ҳам яратиладиган ва бевосита истеъмол қилинадиган моддий бойлиқ ҳисобланади. Шу боис ҳам, электр энергиясини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уни тежаш, самарали фойдаланиш бутун дунё мамлакатларида муҳим аҳамиятига молик муаммо ҳисобланади.

Хўш, электр энергиясининг ўзи нима? Унинг физик ҳамда моддий бойлиқ, товар сифатидаги характерли хусусиятлари нималарда намоён бўлади? Ушбу моддий бойлиқни қатъий ҳисобининг юритилиши лозимлиги негизида қандай заруратлар ётади? Қуйида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Кундалиқ турмушда электр энергиядан фойдаланмайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Биз қаерда бўлишимиздан қатъий назар электр токидан фойдаланамиз, ҳатто тоғу- чўлда, дарё ёки денгизда, бепаён океан ва ҳаттоки ўтиб бўлмас жунглиларда меҳнат қилаётган, саёҳатда бўлган одамлар ҳам электр батареяларидан фойдаланиб ишлайдиган радиоприёмникдан, телефондан, қўл соатидан ва ҳакозалардан фойдаланишади. Маълум бир шаҳарда ёки мамлакатнинг бир қисмида электр энергиясининг бир кун бўлмай қолиши миллиардлаб зарар келтиришидан ташқари, кўпгина фалокатларни вужудга келтиради. Масалан 2003 йилда АҚШ ва Канада чегараси регионида жойлашган шаҳар ва туманлардаги барча электр

энергияси ишлаб чиқарувчи станциялар ишдан тўхтаб қолганда рўй берган воқеаларни телевизор ва радио орқали эшитганмиз. Электр энергия ҳодисаларининг қизиқ жиҳатларида бири шуки, электрга тааллуқли ҳодисалар фақат инсон қўли билан яратилмайди. Табиатда ҳам электр ҳодисаларини кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан баҳор пайтида ёмғир олдидан кузатиладиган момақалдиروқ, яшин тушиши, ер магнетизми, шамол ёғдуси шулар жумласидандир. Электр ҳодисаларини ўрганиш электр энергиясини ўзлаштириш билан бирга ундан хавфсиз ҳолда фойдаланишга имконият яратади.

Шунинг учун ҳам, электр энергиясини бухгалтерия объекти сифатида тавсифлашдан олдин, аваламбор, электр токи деган тушунчани нима эканлигига аниқлик киритишимиз лозим. Физика фанида берилган таърифга кўра, **электр токи** - бу- зарядланган зарраларнинг бир томонга тартибли кўчишидир. Электр ҳодисаларига қуйидагиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин: жисмларнинг электрланиши, электр майдонини пайдо бўлиши, табиатдаги электр ҳодисалари, электр ўтказгичлар, мусбат ва манфий зарядларни пайдо бўлиши, бунда бир хил ишорада зарядланган жисмларнинг ўзаро итарилиши, турли ишорада зарядланган жисмларнинг ўзаро тортилиши, атом тузилиши, электронлар ва ядро тузилиши, ўтказгичларда электр зарядларининг тақсимланиши, электр сифими, электр энергияни кетма-кет улаш, параллел улаш, қисқа туташув ҳодисалари, электр кучланиш ҳодисалари, ток кучи, электр қаршилиги, токнинг иссиқлик таъсири ва унинг амалда қўлланилиши ва бошқалар.

Электр станцияларида механик, атом ва бошқа турдаги энергиялар электр энергиясига айлантирилади. Ҳозирги кунда иссиқлик, сув, шамол ва атом электр стансиялари кенг тарқалган. Иссиқлик электр стансияларида (ИЭС) ёқилғининг энергияси электр энергиясига айлантирилади. Сув энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган электр станциялари гидроэлектр станциялар (ГЭС) дейилади. Электр энергияси анна шулар орқали ҳосил қилинади. ГЭС учун дарё темир бетон тўғи билан тўсилади. Бунда дарё суви

кўтарилади ва махсус қолдирилган кувур орқали чиқарилади. Бу ерда катта парракли двигател бўлади. Сув парракларга урулиб ғилдиракни айлантиради. У билан бирга генераторнинг ротори айланади ва генератор электр энергиясини ишлаб чиқаради. Дастлабки ГЭСлар 19-аср ўрталарида Германияда ва Англияда қурулган. Ўзбекистонда биринчи ГЭС 1926 йилда бўзсув каналида қурилган. Атом электр станциялари (АЭС) да ядро реакцияси натижасида ажралиб чиққан иссиқлик натижасида сув буғига айланади, бу, ўз навбатида, турбиналарни ва генераторни ишга туширади. Генератордан электр энергияси олинади. Ўзбекистонда АЭС лар қурилмаган. Генератор раторини булардан ташқари шамол ёрдамида денгиз ва океанларда сув кўтарилиши ёки пасайишдан фойдаланиб турбиналарни айлантириш орқали электр энергиясини олиш мумкин. Шамол электростанциялари ҳаво оқимлари доимий кўчиб турадиган жойларда, масалан, денгиз қирғоғида ёки очик текисликларда қурилади. Одатда, улар истеъмолчилардан узоқда жойлашади.

Электростанциялар электр энергиясини ишлаб чиқариши жиҳатидан фойдали бўлса, фаолияти жараёнида зарари ҳам бор. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганда ҳатто инсон ҳаётдан кўз юмган ҳоллар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам электр ҳодисаларини чуқур ўрганиш табиат ҳақидаги билимларни ошириш билан бирга, ундан самарали фойдаланишга имкон беради.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республикамизда энг йирик ишлаб чиқариш соҳаларидан биридир. Улар тўғрисидаги айрим маълумотларни қуйида келтирилган жадваллардан кўриш мумкин.



1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг энг йирик гидроэлектр  
станциялари**

| Номи          | Еришилган<br>қувватлар,<br>МВ | Турбиналар<br>сони | Қурилган йиллари |
|---------------|-------------------------------|--------------------|------------------|
| Чорвоқ ГЭС    | 620.5                         | 4                  | 1970-1972        |
| Хўжакент ГЭС  | 165                           | 3                  | 1976             |
| Ғазалкент ГЭС | 120                           | 3                  | 1980-1981        |
| Фарҳод ГЭС    | 126                           | 4                  | 1948-1949        |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги веб-сайти материаллари

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг энг йирик электр марказлари**

| Номи        | Еришилган<br>қувватлар,МВ | Қурилган<br>йиллар | Жойлашган шаҳар |
|-------------|---------------------------|--------------------|-----------------|
| Фарғона ИЭМ | 330                       | 1956-1979          | Қирғули         |
| Муборак ИЭМ | 60                        | 1985-1988          | Муборак         |
| Тошкент ИЭМ | 30                        | 1939-1954          | Тошкент         |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги веб-сайти материаллари

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг энг йирик электр станциялари**

| Номи             | Еришилган<br>қувват,<br>МВ | Турбо-<br>агрегатлар<br>сони | Қурилган<br>йиллар | Жойлаш-<br>ган шаҳар |
|------------------|----------------------------|------------------------------|--------------------|----------------------|
| Сирдарё ГРЭС     | 3000                       | 10                           | 1972-1981          | Ширин                |
| Янги Ангрен ГРЭС | 1800                       | 6                            | 1985               | Нуробод              |
| Тошкент ГРЭС     | 1860                       | 12                           | 1963-1971          | Тошкент              |
| Навоий ГРЭС      | 1250                       | 11                           | 1963-1981          | Навоий               |
| Ангрен ГРЭС      | 484                        | 8                            | 1957-1963          | Ангрен               |
| Тахиатош ГРЭС    | 730                        | 5                            | 1961-1990          | Тахиатош             |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги веб-сайти материаллари

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш  
вазирлигига қарашли 220 ва 500 кВ ли йирик электр узатиш линиялари  
(ЕУЛ)**

| <b>Номи</b>                 | <b>Узунлиги(км)</b> | <b>Қурилган йиллар</b> |
|-----------------------------|---------------------|------------------------|
| <b>500 кВ ли ЭУЛ</b>        |                     |                        |
| Сирдарё ГРЭС-Тошкент НС     | 162.6               | 1970-74                |
| Сирдарё ГРЭС-Лочин НС       | 315                 | 1972-75                |
| Лочин НС-Тўхтағул ГЕС       | 54.8                | 1972-74                |
| Ғузор НС-Регар НС           | 247.9               | 1976                   |
| Регар НС-сурхон НС          | 162                 | 1987-88                |
| Сирдарё ГРЭС-Ғузор НС       | 344.1               | 1978-79                |
| Ғузор НС-Қорақўл НС         | 280                 | 1985-86                |
| Тош ГРЭС-Тошкент НС         | 20.7                | 1970-74                |
| Янги Ангрен ГРЭС-Тошкент НС | 62.7                | 1988-91                |
| <b>220кВ ли ЭУЛ</b>         |                     |                        |
| Сирдарё ГРЭС-Қорақиясой НС  | 114                 | 1954-57                |
| Ангрен ГРЭС-Обиҳаёт-1НС     | 101.4               | 1963-64                |
| Тош ГРЭС-Факел 1НС          | 119.3               | 1976-81                |
| Тош ГРЭС-Факел 2НС          | 119.3               | 1975-80                |
| Сирдарё ГРЭС-Жиззах НС      | 124.12              | 1961-64                |
| Жиззах НС-Самарқанд НС      | 111.4               | 1961-62                |
| Водовоз 1НС-Хоразм НС       | 144.6               | 1967-69                |
| Навоий ГРЭС-Бухора 1НС      | 116.5               | 1967-68                |
| Навоий ГРЭС-Қарши НС        | 157.8               | 1969-70                |
| Самарқанд НС-Сувли НС       | 138                 | 1973-74                |
| Қарши НС-Насос 1НС          | 168.4               | 1972-87                |
| Ғузор НС-Насос 3НС          | 122.2               | 1979-87                |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги веб-сайти материаллари

Иқтисодий томондан электр энергияси ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган моддий неъмат ҳисобланади. Айнан шу мазмунда у маҳсулот, истеъмол қилинадиган товардир. Ишлаб чиқарувчиларда, яъни ГЭС, ГРЭС, АЭС, ИЭСларда электр энергияси тайёр маҳсулот ҳисобланади. Электр энергиясини сотиш билан шуғулланувчи субъектларда ушбу неъмат товар ҳисобланади. Товар деганда, одатда, сотиш учун сотиб олинган буюм тушунилади.

Электр энергияси ҳам тайёр маҳсулот, ҳам товар сифатида бухгалтерия ҳисобида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг активлари сифатида тан олинади. Чунончи, электр энергиясини сотувчи корхоналарининг активлари сифатида ушбу товар қўидаги хусусиятларга эга бўлади:

\*у сотиш учун сотиб олинади;

\*сотиб олинган ушбу товар жисмоний кўринишга эга бўлмайди, яъни кўриб бўлмайди, ушлаб бўлмайди, тортиб бўлмайди, махсус омборларда сақлаб бўлмайди, қанча қолганлигини санаб бўлмайди;

\*электр энергияси махсус узатиш қурилмалари (столбалардаги симлар, ер остидаги кабеллар) орқали узатилади ва истемолчиларга етказилади;

\*электр энергиясига ҳам табиий йўқотишлар хос бўлади, симларда юрганда улар табиат ҳодисалари таъсирида камаяди;

\* электр энергияси товар сифатида қийматга ва истемол қийматига эга бўлади. Электр энергиясининг қиймати деганда унинг бир бирлигининг пул бирлигидаги баҳоси тушунилади. Унинг истемол қиймати деганда эса истемолчиларнинг ёруқликка, иситишга ва бошқа электр жиҳозларидан фойдаланишга бўлган талабларини қондирилиши тушунилади;

\*электр энергияси товар-пул муносабатларини вужудга келтиради, улар ўзаро ҳисоб-китобларни талаб этади. Ушбу ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги мазкур неъматни яратувчилар, сотувчилар ва истемолчилар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга келишига олиб келади.

Юқоридагиларнинг барчаси электр энергияси, уни сотиб олиш ва сотишнинг вужудга келадиган молиявий муносабатларнинг акс эттириш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим объектлари эканлигидан дарак беради.

## **1.2 Электр энергияси сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва тамойиллари**

Макон ва замонда юз берадиган барча хўжалик жараёнлари ўзининг соний ўлчамини ва сифат тавсифларини бухгалтерия ҳисобида топади. Айнан ушбу ҳислат бухгалтерия ҳисобини юритилишини объектив зарурат қилиб қўяди. Бу бевосита электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда уни сотиш жараёнларига ҳам тегишлидир.

Худудий электр тармоғи корхоналарида (ХЭТК) бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, етказиб берилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш учун электр энергиясини узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиниши тўғрисида аниқ маълумотларни тўплаш, жамлаш ва ахборот фойдаланувчиларига етказиш ҳисобланади. Ушбу мақсад бухгалтерия ҳисобининг функциялари, вазифалари ва тамойилларини тўғри белгилашни тақозо этади.

Адабиётларда айрим муаллифлар фаннинг вазифаси билан функцияси бир хил тушунча деб қарайдилар, айрим муаллифлар эса вазифа билан функцияни турли хил тушунча деб қарайдилар. Бизнинг фикримизча, иккинчи мулоҳаза тўғри, чунки вазифани бажариш вақтинчалик ҳарактерга эга бўлади. Унинг биттаси бажарилгач, кейин иккинчисига ўтилади. Функция эса доимий такрорланиб турадиган вазифалардир.

Шундан келиб чиқиб, электр энергия ҳисоби бўйича бухгалтерия ҳисобининг дастлаб функцияларини, кейин эса вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Электр энергиясини сотиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг асосий функциялари бўлиб ахборот бериш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва уларни ўзаро узвий алоқасини таъминлаш ҳисобланади:

Электр энергиясини сотиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

\*электр энергиясини сотиб олинишини унинг моҳиятини очиб берувчи мезонларга мос равишда ҳисобга олиш;

\*электр энергиясини сотилишини унинг моҳиятини очиб берувчи мезонларга мос равишда ҳисобга олиш;

\*электр энергиясидан фойдаланилганлик учун тўловларни ўз вақтида келиб тушишини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобга олиш;

\*электр энергиясини сотишдан олинган даромадларни, сотиш таннарини, бошқа операцион харажатларни тўғри расмийлаштириш ва ҳисобини юритиш;

\*электр энергияси бўйича табиий камайишларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш;

\*электр энергиясини самарасиз фойдаланиши устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

Худудий электр тармоғи корхоналарида (ХЭТК) бухгалтерия ҳисобини юритиш негизида қуйидаги тамойиллар ётади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

**Худудий электр тармоғи корхоналарида (ХЭТК) бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳияти**

| <b>№</b> | <b>Тамойилнинг номи</b>                   | <b>Електр энергия бўйича қўлланиши</b>                                                                                                                                                                     |
|----------|-------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1        | Икки ёқлама ёзув усули билан ҳисоб юритиш | Бу тамойилнинг маъноси шундаки, юз берган операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида икки счётда, яъни бир счётнинг дебитида ва иккинчисининг кредитида акс эттирилади                                      |
| 2        | Узлуксизлик                               | Бу тамойил корхонанинг доимо ҳаракатдаги субекти, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субъект сифатида қарайди. Шунга кўра, электр энергия ҳам узлуксиз ҳисобга олиб борилади. |
| 3        | Пулда ифодалаш                            | Бу тамойил юз берган электр энергия ҳақи миллий валютада, яъни сўм ва тийинларда акс эттиришни билдиради.                                                                                                  |

|   |               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|---|---------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 4 | Аниқлик       | Бу тамойил ҳисобда акс эттирилган ҳар бир электр энергия суммасининг қайтий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 5 | Ҳисоблаш      | Бу тамойил электр энергия юз берган вақтига кўра тан олишни ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
| 6 | Эҳтиёткорлик  | Бу тамойил корхона ҳисоботларида электр энергиясини сотиш ҳажмини кўп ёки кам қилиб кўрсатмасликни ифодалайди. Бу тамойилни қўллаш яширин резервларни вужудга келтириш, бирон-бир мақсадда электр энергияни сотиш ҳажмини кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.                                                                                                                                                                                                                                                       |
| 7 | Таққосламалик | Электр энергияни ифодаловчи ҳисоботлар фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотлар билан қиёсланадиган бўлиш керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар ушбу ҳисобот қайси усулларга, тамойилларга мувофиқ тузилганлигини билиши лозим. Агар ўтган даврдаги ҳисобот кўрсаткичлари билан жорий ҳисобот давридаги ҳисобот ўртасида фарқ бўлса ўтган давр ҳисоботини ҳам қайтадан таснифлаш лозим, агар таснифлашнинг (ўзгартиришнинг) иложи бўлмаса ушбу қисмда тушунтиришлар, ёхуд характери очиқ берилиши лозим. |
| 8 | Нейтраллик    | Бу тамойил электр энергияни ифодаловчи ҳисоботларни бирорта шахс манфаатлари учун бошқа бирорта шахс зарарлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |

## **2-БОБ. “УРГУТ ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ» КОРХОНАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ**

### **2.1. Ургут туман электр таъминоти корхонаси ва унинг асосий хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг умумий тавсифи**

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (қисқача УРГУТ ТЭТК) «Ўзбекэнерго» ДАК Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг бўлими бўлиб ҳисобланади. У Самарқанд ҲЭТКдан сотиб олинган электр энергиясини Ургут туман юридик ҳамда жисмоний истеъмолчиларига шартнома асосида сотади. Шартнома икки томонлама тузилган бўлиб унда томонларнинг тўлиқ юридик манзиллари банкдаги ҳисоб рақамлари ҳамда статистик кодлари кўрсатилади. Шартномада истеъмолчиларнинг таъриф гуруҳлари қанча қувват истеъмол қилишлари кўрсатилади. Бундан ташқари истеъмолчилар билан тузилган шартномаларда 1 йилга қанча квц қанча сўмлик электр энергияси истеъмол қилиниши ва шу истеъмолни ойлар кесишмасидаги тақсимоли кўрсатилади. Шартномадан кўрсатилгандан ортиқча электр энергияси истеъмол қилса, агар шу ортиқча қилган истеъмоли учун жарима тўловлари қўлланилади. Бу жарима тўловлари учун банкдан алоҳида ҳисоб рақам очилган. Бу ҳисоб рақамга тушган тушумлар корхонанинг фойдаси ҳисобланади.

Ургут туман электр таъминоти корхонасининг ТИОР миллий банк Ургут филиалида электр энергияси тўловлари учун ҳисоб рақамлари очилган. Бу ҳисоб рақамлар:

\*аҳоли учун - 20210000402611704079;

\* ташкилот ва корхона учун - 20210000502611704080

Ургут туман электр таъминоти корхонасида (ТЭТК) нақд пул тўловлари қабул қилинмаганлиги учун кирим касса ордери ёзилмайди.

Тўловларни қабул қилиш учун банк ўзининг коммунал тўловларни қабул қилиши учун махсус кассасини очган. Тўловлар бу кассалар орқали қабул

қилинади. Бундан ташқари яна ПАЙНЕТ тизими орқали ҳам тўловларни амалга ошириш мумкин.

Юридик корхоналар ва ташкилотлар барчасига олган электр энергияси учун счёт фактуралар расмийлаштиради. Счёт фактуралар орқали банкга тўлов топшириқномалари қўйилади.

Ҳар ойда ҳисоб-китоб оyi тугагандан кейин корхона ва ташкилотлар билан ўзaro таққослаш далолатномалари тузилади. Тузилган таққослаш далолатномаларда қайси ҳолатга тузилганлиги ва ким дебитор қарздор ёки кредитор қарздорлиги ҳамда таққослаш далолатномаси қайси томоннинг фойдасига ҳал бўлганлиги аниқ ёзув билан кўрсатилади.

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК) Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (ХЕТК) нинг бўлими бўлганлиги учун улар ходимлари иш ҳақларига доир ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби бўлимда юритилмайди. Бу ҳисоб-китоблар Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (ХЕТК) нинг бухгалтериясида юритилиб сўнгра иш ҳақлари учун ведомостлар ҳамда ведомостдаги суммалар Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК) га ююборилади. Иш ҳақи бўйича бухгалтерия ёзувлари бўлимда тузилмайди. Бу проводкалар фақат Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонасида тузулади.

Ҳар бир ариза ёки хат орқали мурожат қилган абонент ёки истеъмолчиларга электр ҳисоблагичларда носозликлар бўлса, Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК) томонидан бепул алмаштирилиб берилади. Алмаштирилган электр ҳисоблагичлар учун далолатнома тузилиб, нарядлар орқали компьютер базасига киритиб борилади.

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК) бўйича асосан битта бош айланма китоб юритилади. Бу китобда ҳар бир юридик истеъмолчини ой бошида қанча дебитор ёки кредитор қарздорлиги, ҳисобот йили давомида қанча сўмлик электр энергияси истеъмол қилганлиги, ҳисобот йили давомида қанча сўмлик тўловни амалга оширганлиги, ой охирида бўлса, қанча сўмга ҳақдор ёки қарздор бўлганлиги ёритилиб борилади.



Пул оқимлари Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК)нинг ТИОР миллий банк Ургут бўлимида ҳамда ДТ халқ банк Ургут бўлимида очилган ҳисоб рақамларига тушади. Ва бу тушган пуллар автотўлов орқали шу кунинг ўзида Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси (ХЕТК) НИНГ ҳисоб-рақамларига жўнатилади.

Ургут (ТЕТК) туман электр таъминоти корхонасининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланс ҳисоботларида ойма ой ёритилиб борилади.

Шундай тузилган баланс ҳисоботларидан бирини иловада келтирилган.

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК)нинг асосий кўрсаткичларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин;

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК)га тегишли трансформаторлар сони 511 та.

Ургут туман электр таъминоти корхонаси (ТЕТК) жами ходимларининг сони 172 та, шундан: бошқарув аппарати ходимлари 20 та; сотиш бўлими ходимлар 78 та; ўчириш қисм ходимлари 14 та; автомобиль хайдовчилар 4 та; операторлар 4 та; электромантёрлар 14 та; подстанцияда ишловчилари 14та; линия бўйича ишловчилар 10 та; инженер техник ходимлар 8 та.

Ургут туманидаги маҳаллалар сони 102 тани ташкил қилади, аҳоли сони жами 530 минг кишидан иборат.

Ургут туман электр таъминоти корхонасида (ТЕТК) жами бўлиб 58 мингта абонент бор, шундан юридик истеъмолчилар сони 4200 тани ташкил қилади. Жами абонентлардан 36 000 таси қарздорлардир. Жами абонентларнинг қарзлари 18 млрд сўмни ташкил қилади, шундан юридик истеъмолчиларнинг қарздорлиги 4 млрд 700 млн сўм. ни ташкил қилади; аҳолининг умумий қарздорлиги 13 млрд 300 млн сўмни ташкил қилади.

## **2.2 Электр энергиясини сотиб олинишининг ҳисоби**

Ўзбекистон Республикасида электр энергиясини сотиб олиш ва сотиш операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 31 июлда 2127-сон билан рўйхатга олинган «Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ» билан белгиланган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 35-сон, 382-модда) мувофиқ, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари (кейинги ўринларда - ХЭТК) томонидан электр энергиясини сотишнинг бухгалтерия ҳисоби масалаларини тартибга солади.

ХЭТК электр энергиясини, электр энергетика соҳасидаги махсус ваколатли органнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланган электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан электр энергиясини етказиб бериш шартномасига асосан олади. ХЭТК ҳар ойда электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг тегишли вакиллари билан биргаликда электр тармоғининг баланс бўйича мансублилик чегарасида ҳисоб-китоб даври учун электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ёзиб олади.

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланган электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан электр энергиясини сотиб олиш бўйича операциялар ХЭТКнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатномага асосан тузилган ва ХЭТК учун расмийлаштирилган счёт-фактурага мувофиқ:

дебет 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" счёти - ҳар ойлик электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатнома ва счёт-фактурага асосан харид қилинган электр энергиясининг суммасига;

б) олинган счёт-фактурага мувофиқ сотиб олинган электр энергияси бўйича ҚҚС суммасига:

дебет 4410 "Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)" счёти;

кредит 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" счёти;

в) ХЭТК томонидан харид қилинаётган электр энергияси бўйича бўнак тўловлари амалга оширилганда:

дебет 4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5500 ва ҳ. к.) - ҳисобот даврида харид қилинаётган электр энергияси учун берилган бўнак суммасига;

г) харид қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоблар амалга ошириляётганда илгари берилган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" счёти;

кредит 4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счёти;

д) ҳисобот даври мобайнида харид қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоблар ҳар ойлик электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатнома ва счёт-фактурага мувофиқ амалга оширилганда:

дебет 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5500 ва ҳ. к.) - илгари берилган бўнақлар ҳисобга олингандан кейин тўланган пул маблағлари суммасига.

### **2.3 Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби**

Электр энергиясини сотишда 1квт/соат нархи маиший истеъмолчилар учун қанча ва юридик истеъмолчилар учун қанча бўлиши ҳаммани қизиқтиради. Масалан юридик истеъмолчиларники 1квт/соат 146 сўм 20 тийинни, жисмоний шахслар учун 1квт/соат нархи 144 сўм 30 тийинни ташкил этади. 1та лампочка 0.1 қувватга эга, розетка эса 0.6 қувватга эга.

Ургут туманида электр таъминоти корхонасида(ТЕТК) маиший истеъмолчилар билан электр энергия бўйича ҳисоб –китоблар шартномага асосан амалга оширилади Шартнома шартларига кўра:

\*етказиб берилган энергия учун ҳисоб-китоблар даври бир ой ҳисобланади;

\*электр энергия учун тўловлар истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг 10-санасигача аҳолидан тўловларни қабул қилиш пунктлари ва ташкилотлари орқали амалга оширилади.

\* банк ҳужжатида кўрсатилган сана тўлов вақти бўлиб ҳисобланади.

Энергия учун ҳисоб-китоблар корхона ёки истеъмолчилар томонидан ёзиладиган тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

Агар тўлов ҳужжатларида кўрсатилган суммалар ўртасида тафовут бўлса, унда банк ҳужжатида кўрсатилган сумма (банк штампи билан) қабул қилинади.

Истеъмолчилардан энергия учун белгиланган таъриф қийматидан ортиқча бирор-бир қўшимча маблағ ундириш қонун билан тақиқланади.

Истеъмолчи ушбу шартномага кўра хонадонларда хусусий уйида, ёрдамчи хўжаликда боғ ва шахсий томорқаларда маиший эҳтиёжларга ишлатиладиган энергия учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида, ҳисобга олиш приборлари ва турмушда қўлланиладиган электр қабул қилгичларнинг ўрнатиш жойларидан қатий назар аҳоли учун белгиланган таъриф бўйича ҳақ тўлайди.

ККорхона энергия истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки олдинги давр учун амалдаги энергия истеъмолининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосан тўлов ҳисоб варағини ёзиб бериш ҳуқуқига эгадир. Белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаса электр таъминоти шартномаси тохтатилиши ҳақидаги огоҳлантириш ёзуви тўлов ҳисоб варағга киритилади. Ҳисоб варағ истеъмолчига, у бўлмаган тақдирда эса –у билан бирга бир хонадонда яшовчи вояга етган исталган шахсга топширилади ёки билдиришнома билан бирга буюртма хат орқали жўнатилади.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган энергия учун тўловларни белгиланган наъмунадаги ҳисоб китоб-дафтарчаси бўйича ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида амалга ошади. Унинг ҳар бир варағи билдиришнома ва квитансиядан иборат. Шунингдек белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаса, ушбу шартноманинг бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш ёзуви киритилади.

Олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган истеъмолчилар энергия учун олдиндан тўлов шаклида ҳақ тўлайди.

Энергия истеъмолини автоматлаштирган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимига уланган истеъмолчиларга энергия амалга оширилган олинган тўлов доирасида етказиб берилади.

Истеъмолчи томонидан энергия истеъмолининг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш учун корхона вакили истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини назорат тартибида ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Бунда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин

корхона вакили истеъмолчи билан биргаликда энергиянинг ҳақиқий истеъмоли учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларни ёзиб олиш уланиш схемасини текшириш деб ҳисобланади.

Истеъмолчи томонидан ортиқча ҳақ тўланган бўлса бу тўловлар кейинги тўловларга киритилади.

Тўланмаган суммалар аниқланса корхона томонидан тўлаш учун қўшимча ҳисоб варағи ёзиб берилади.

Қўшимча тўлов ҳисоб варағи истеъмолчи томонидан олинган кундан кейин 10 кундан ошмаган муддатда тўланиши керак.

Истеъмолчи айби билан ҳисобга олиш приборлари шикастланганда ҳисобга олиш приборларини алмаштириш таъмирлаш давлат текширувидан ўтказиш ва ўрнатиш ишлари истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

Електр тармоқларига янгидан уланадиган уй-жой ва хонадонларда энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган энергияни ҳисобга приборлари уй-жой эгаси томонидан сотиб олинади, унинг ҳисобидан давлат қиёслашидан ўтказилади ва рўйхатга олиш учун корхонага топширилади.

Мавжуд ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ишлари корхона томонидан амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан амалдаги энергия истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш приборларини улаш схемаси ўзгартирилгани (истеъмолчи айби) билан бузилгани ёки йўқлиги пломбалар кўчирилганда электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан ташқари уланган ёки бошқа қоида бузулишлари аниқланган ҳолатда корхона охириги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даво муддати кўп бўлмаган) давр учун истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергия ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиш шарт.

Корхона томонидан истеъмолчига 10 кун мобайнида тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб берилади. Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиниши

истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

Қайта ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади:

а) ёритувчи ток қабул қилгичларнинг қуввати ва уларнинг ишлатиш соатлари сони бўйича

б) истеъмолчида штепсел розеткалари мавжуд бўлганида (розеткалар ва электр қабул қилгичларнинг сонидан қатъий назар) –ҳар суткада 24 соат давомида соатига 600 вт қувватдан фойдаланиш ҳисобидан, қуввати 600вт дан ортиқ бўлган иситиш приборлари ёки бошқа электр ускуналардан фойдаланиш ҳолларида истеъмолчи фойдаланаётган ускуналарнинг амалдаги қуввати бўйича уларнинг ҳар суткада 24 соат ишлатилиши ҳисобидан.

Энергияни ҳисобга олиш схемасининг ўзгариши ва бузулиши билан боғлиқ барча турдаги ишларини бажариши учун истеъмолчи бу ҳақида ишларни бошлашдан олдин корхонани ёзма равишда хабардор қилиши керак. Ишларни бажариш даврида энергия вақтинчалик схемалар ёки корхона билан келишилган ҳисб-китоблар бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Энергияни ҳисобга олиш истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганида етказиб берилган энергия учун ҳисоб-китоб корхонанинг қарори билан ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинг даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиш керак. Агар объектив сабабларга кўра кўрсатилган муддатда ҳисобга олиш приборини тиклашнинг имконияти бўлмаса истеъмолчига етказиб берилган энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати ушбу шартнома тарафларининг ўзоро келишувига биноан белгиланади.

Таъриф ўзгарганда санагача истеъмол қилинган қилинган энергия ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича

аниқланади ва унга эски таъриф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

Хона ( ҳовли жой, хонадон) ижарага ( юридик шахсларга) топширилиш ҳақида шартнома тузилган тақдирда ижарачи уч кун муддат ичида корхонага ижарага олинган хонада энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун мурожат қилиши шарт. Ижарачи чиқиб кетганида истеъмолчи ижарачидан чиқиб кетиш кунига фойдаланилган энергия учун амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотномани талаб қилиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи аввалги ижарачиларнинг энергия учун қарздорлиги бўйича жавобгардир. Турар жой бинолари ижарачиларга ёки ёлловчиларга маиший истеъмолчилар учун энергия таъминоти шартномаси топширилганда улар билан энергия етказиб бериш бўйича шартнома тузилмайди, шартнома мулк эгалари билан тузилади ва улар етказиб берган энергия учун ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Етказиб бериладиган энергиянинг миқдори маиший истеъмолчиларга ойлар (чорақлар, йил) бўйича тақсимланишини қуйидаги келтирилган б-жадвалда кўришимиз мумкин.

Шартномага асосан тегишли ой учун электр энергиясини етказиб бериш ҳисобига бўнак тўловларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағлари счётлари (5100, 5200, 5500 ва ҳ. к.);

кредит 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар" счёти.

Истеъмолчи - юридик шахснинг электр энергияси учун қарзи бўлган тақдирда, унинг бўнак тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди. Қарзни қоплашга йўналтирилган маблағлар, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағлари счётлари (5100, 5200, 5500 ва ҳ. к.);

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти.



**Етказиб бериладиган энергиянинг миқдори маиший  
истеъмолчиларга ойлар (чораклар, йил) бўйича тақсимланишини**

| Ойлар       | Энергия миқдори квт.с |
|-------------|-----------------------|
| Йил жами    |                       |
| И чорак     |                       |
| Январ 100   | 350                   |
| Феврал 100  |                       |
| Март 150    |                       |
| ИИ чорак    |                       |
| Апрел 200   | 600                   |
| Май 200     |                       |
| Июн 200     |                       |
| ИИИ чорак   |                       |
| Июл 200     | 600                   |
| Август 200  |                       |
| Сентябр 200 |                       |
| ИВ чорак    |                       |
| Октябр 150  | 450                   |
| Ноябр 150   |                       |
| Декабр 150  |                       |

2000 квт.с

Истеъмолчи - юридик шахсларга электр энергиясини сотиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти - тасдиқловчи бирламчи хужжатларга (электр энергиясини етказиб бериш далолатномаси, счёт-фактура) мувофиқ электр энергиясини сотишдан тушум суммасига;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - сотилган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Ҳисобот даврида сотилган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда илгари олинган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти.

Электр энергиясини истеъмолчи - юридик шахсларга шартномадаги миқдор бўйича ҳисоблаб сотилиши ҳамда ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчи - юридик шахслар билан қайта ҳисоб-китоб қилиниши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) электр энергиясини истеъмолчи - юридик шахсларга, қонунчиликда белгиланган тартибда шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича сотишдан тушум ҳисобланганда:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти - электр энергиясини истеъмолчи - юридик шахсларга, "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган ва "Ўздавэнергоназорат" давлат инспекцияси (кейинги ўринларда - "Ўздавэнергоназорат" ДИ) томонидан тасдиқланган ХЭТК ва истеъмолчи - юридик шахс ўртасидаги электр таъминоти шартномасига асосан ҳисобланган шартномадаги миқдор бўйича сотишдан олинган тушум суммасига;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг шартномадаги миқдори бўйича ҳисобланган ҳажмдан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

б) истеъмолчи - юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг таннаrxини акс эттириш:

дебет 9120 "Сотилган товарларнинг таннаrxи" счёти;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори) ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган истеъмолчи - юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг таннаrxи (сотиб олиш қиймати) суммасига;

в) ҳисобот даври мобайнида электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ҳар бир истеъмолчи - юридик шахс бўйича сотишдан олинган тушум тан олинганда ва унда, илгари олинган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

г) истеъмолчи - юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинганда:

электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ истеъмолчи - юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича тан олинган сотиш тушуми суммасидан ошган суммасига (ижобий фарқ):

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - ижобий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ижобий фарқ ҳажми таннаrxини акс эттириш:

дебет 9120 "Сотилган товарларнинг таннаrxи" счёти;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ижобий фарқ ҳажми таннархи суммасига;

истеъмол қилинган электр энергиясининг ижобий фарқи суммасига, илгари олинган бўнак тўловларининг қолган суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича тан олинган сотиш тушуми суммасининг, электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ истеъмолчи - юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматидан ошган суммасига (салбий фарқ):

дебет 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти;

дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - салбий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

салбий фарқ ҳажми таннархининг тузатилишини акс эттириш:

дебет 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги салбий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган салбий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига;

кредит 9120 "Сотилган товарларнинг таннархи" счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдордан келиб чиқиб истеъмол қилинган электр энергияси бўйича истеъмолчи - юридик шахснинг қарздорлиги бўлмаган ҳолатда ёки ХЭТКнинг илгари олинган аванс тўловлари бўйича юридик шахсдан қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда, салбий фарқ суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар" счёти.

Истеъмолчи - юридик шахснинг айби билан ҳисобга олиш асбоби бузилган: ҳисобга олиш асбобини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш асбобидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолларда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчи - юридик шахснинг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича электр энергияси сарфини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - электр энергияси сарфини қайта ҳисобланган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

истеъмолчи - юридик шахснинг айби билан ва/ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолларда ҳисобга олиш асбоби бузилган ҳолатларда, қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннархини акс эттириш:

дебет 9120 "Сотилган товарларнинг таннархи" счёти;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - қўшимча равишда қайта ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннархи суммасига.

Ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган тақдирда, истеъмолчи-юридик шахс томонидан

фойдаланилган электр энергияси ҳажми бўйича ундириладиган сумманинг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар" счёti;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромadлар" счёti;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёti - ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, истеъмолчи - юридик шахсдан ундириладиган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган тақдирда, истеъмолчи-юридик шахслар томонидан фойдаланилган электр энергияси таннаrxининг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 9120 "Сотилган товарларнинг таннаrxи" счёti;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган ҳолларда, ундириш ҳисобланилган давр мобайнида электр энергиясининг фойдаланилган ҳажми (миқдори) ва сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган истеъмолчи-юридик шахс томонидан фойдаланилган электр энергиясининг таннаrxи суммасига.

Истеъмолчи - юридик шахслар, ой мобайнида етказиб берилган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобларни, қонунчиликка мувофиқ тузилган электр таъминоти шартномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширади. Агарда, якуний ҳисоб-китоблар кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган бўлса, ХЭТК истеъмолчилар - юридик шахсга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатади, бундан электр энергияси етказиб беришнинг махсус тартибига эга бўлган корхоналар мустасно. Айти бир вақтда, ХЭТК истеъмолчи - юридик шахснинг шахсий варақасидаги маълумотлар асосида, ҳисоб-китоб қилинаётган ойда етказиб берилган электр энергияси суммасидан амалга оширилган тўловлар суммасини

чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали акцептланган тўлов талабномасини тақдим этади.

Ҳисобот даври мобайнида сотилган электр энергияси бўйича ёзилган счёт-фактурага мувофиқ якуний ҳисоб-китоблар учун пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5500 ва ҳ. к.);

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар" счёти - илгари олинган бўнақларни ҳисобга олгандан кейин олинган пул маблағлари суммасига.

ХЭТК томонидан шартномавий миқдордан ортиқча электр энергияси ва кувватини истеъмол қилганлиги учун жарима санкциялари ҳисобланганда ҳамда истеъмолчи - юридик шахс томонидан олинган электр энергияси қийматини ўз вақтида тўламаганлиги учун пенялар ҳисобланган ҳолларда, ҳисобланган жарима санкциялари ва пенялар суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4860 "Даъволар бўйича олинadиган счётлар" счёти;

кредит 9330 "Ундирилган жарима, пеня ва устамалар" счёти.

Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчи-юридик шахснинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ХЭТКнинг қарорига кўра, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчи - юридик шахснинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, ХЭТКнинг далолатномаси ва тўлов учун қўшимча ёзиб берилган тўлов ҳужжати асосида истеъмолчи - юридик шахсга сотилган электр энергияси ҳажмининг ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисобланиши:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" счёти;

кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счёти - қўшимча ҳисобланган сотилган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) қўшимча ҳисобланган сотилган электр энергияси ҳажми таннархини акс эттириш:

дебет 9120 "Сотилган товарларнинг таннархи" счёти;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда - қўшимча равишда ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб қўшимча равишда ҳисобланган электр энергияси таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига.

Электр энергиясини аҳолига сотиш бўйича операциялар ҳам бухгалтерия ҳисобида юқорида тавсифи берилган тартибларда акс эттирилади. истеъмол қилинган электр энергияси миқдори маиший истеъмолчидаги ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Электр энергиясини электр тармоқлари орқали узатиш вақтида "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёр доирасидаги технологик сарф миқдори, қабул қилинган электр энергиясининг сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобланган ҳолда давр харажатларига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9410 "Сотиш харажатлари" счёти;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда.

Ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси миқдори ва худди шу даврда ХЭТК томонидан



қабул қилинган электр энергияси миқдори ўртасидаги тафовут ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги (миқёсидаги) технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

а) ҳисобот йили мобайнида:

ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажмининг, худди шу даврда ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажмидан ҳар ойда ошган миқдорини электр энергиясини сотиб олиш қиймати бўйича ҳисоблаб ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда аниқланган суммага:

дебет 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажмининг, худди шу даврда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажмидан ҳар ойда ошган миқдорини электр энергиясини сотиб олиш қиймати бўйича ҳисоблаб ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда аниқланган суммага:

дебет материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 2990 "Бошқа товарлар" счётида "Электр энергияси" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

б) ҳисобот йили тугагандан сўнг материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да алоҳида ажратиб кўрсатилган "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётининг дебет қолдиғи, ҳисобот даврининг харажатларига бошқа операцион харажатлар сифатида олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

бирламчи ҳужжатларга асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажми билан, худди шу даврда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовут суммасига ва бундан "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги электр энергиясининг технологик сарфи миқдорини чегирган ҳолда:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

айни бир вақтнинг ўзида, ҳисобот даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергиясининг ҳажми ва истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовутга тўғри келадиган, илгари ҳисобга олишга олиб борилган ва ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг тузатилиши, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) - материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётларнинг (1600) дебет қолдиғи суммасига тўғри келадиган ва ҳисобот даврининг харажатларига олиб бориладиган ҚҚС суммасига;

материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да алоҳида ажратиб кўрсатилган "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётининг кредит қолдиғи бошқа операцион

даромадларга олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

дебет материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да "Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут" счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти.

Истеъмолчини таъминлайдиган электр тармоғининг катта юкламали соатларида истеъмолчи томонидан шартномавий миқдордан ортиқча реактив энергияси ва қувватини истеъмол қилганда ва ягона электр энергетика тизимининг кичик юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилинганда ХЭТК томонидан реактив энергия ва қувватларни компенсация қилиш учун устамаларнинг қўлланилиши бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа операцион даромадлар сифатида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар" счёти;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти.

Истеъмолчи томонидан электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғида реактив энергия ҳосил қилинганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчи бундай иш режимида ишлаши зарурати электр таъминоти шартномасида белгиланган бўлса, ХЭТК томонидан реактив энергия ва қувватларни компенсация қилиш учун чегирмаларнинг берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

Электр тармоғининг катта юклагичлари соатларида реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий қиймати, айнан шу соатларда реактив қувват ва (ёки) реактив энергия истеъмолининг бир ойдаги техникавий чегаралари, улар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ягона электр энергетика тизимининг ҳар қайси боғламаси бўйича электр тармоқларининг ишлаш режимлари ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.

Юқорида кайд этилган ҳисоб-китоблар мавжуд бўлмаганда, тўлов фақат ҳақиқатда истеъмол қилинган реактив энергияси учун актив энергиясининг амалдаги тарифининг 5 фоизига тенг нарх бўйича, қўшилган қиймат солиғисиз ундирилади. Ҳисоб-китоб мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳақиқатда истеъмол қилинган реактив энергияси учун ундириладиган тўловларнинг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счёти;

кредит 9330 "Бошқа операцион даромадлар" счёти - ҳисобланган устама суммасига.

Ургут туман электр таъминоти идораси бўйича 2014 йил ноябр ойида тушган умумий пул суммаси 7-жадвалда келтирилган.

#### 7-жадвал

#### Ургут туман электр таъминоти идораси бўйича 2014 йил ноябр ойида тушган умумий пул суммаси

|   |                                         |               |
|---|-----------------------------------------|---------------|
|   | Умумий ўтказилган пул                   | 1227348799.88 |
|   | Ой охиридаги қолдиқ                     | 67891.09      |
| 1 | ТЕТК га ўтказилган пул                  |               |
|   | Рўйхатдан ўтказилган пул                | 862557564.84  |
| 2 | Ўсим (пеня)                             |               |
| 3 | Омонат банки ва ПАТ учун ўтказилган пул | 9125000.00    |
| 4 | Банк хизмати                            | 10681334.40   |
|   | Олинди жами ;                           |               |
|   | Шундан :                                |               |

|  |                                |              |
|--|--------------------------------|--------------|
|  | Назорат васотиш бўлимидан      | 304814293.08 |
|  | Сиёб Э/сотиш бўлимига          |              |
|  | Темир йўл РЕС                  | 4397540.00   |
|  | Боғишамол энергия сотиш бўлими | 19812770.00  |
|  | Сиёб РЕС                       | 2892617.00   |
|  | Тайлоқ РЕСга                   |              |
|  | Зарофшон РЕС                   | 8982617.00   |
|  | Берилди: Жами:                 | 85000.00     |
|  | Шундан                         |              |
|  | Сиёб РЕС                       |              |
|  | Зарафшон РЕС                   | 17000.00     |
|  | Темир йўл РЕС                  | 68000.00     |
|  | Тайлоқ РЕСга                   |              |
|  | Ой охиридаги қолдиқ            | 40321698.65  |

Электр энергиясини сотиш бўйича харидорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир истеъмолчи бўйича (ҳам юридик шахс, ҳам маиший истеъмолчи бўйича) алоҳида миқдор (электр энергияси ва қуввати истеъмолининг натурал ҳисоб бирлигида) ва қиймат ифодасида юритилади. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, бир истеъмолчининг дебитор қарздорлиги иккинчи истеъмолчининг кредитор қарздорлиги билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинишига рухсат этилмайди, яъни истеъмолчилар бўйича қарздорлик қолдиғи молиявий ҳисоботда кенгайтирилган тарзда акс эттирилиши лозим.

Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган ва худди шу даврда ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги фарқни, электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида "Ўздавэнергоназорат" ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда, ҳисобдан чиқаришнинг аналитик ҳисоби ҳам миқдор (электр энергияси ва қуввати истеъмолининг натурал ҳисоб бирлигида), ҳам қиймат ифодасида юритилади.

## Хулоса ва таклифлар

Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларни қилишга имкон берди.

1.Электр энергияси нафақат физик хусусиятларга эга, балки у ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бойликдир. Бу бойлик ишлаб чиқарилади ва истеъмолчиларга сотиладиган моддий неъматдир. . Ишлаб чиқарувчиларда, яъни ГЭС, ГРЭС, АЭС, ИЭСларда электр энергияси тайёр маҳсулот ҳисобланади. Электр энергиясини сотиш билан шуғулланувчи субъектларда ушбу неъмат товардир. Электр энергияси ҳам тайёр маҳсулот, ҳам товар сифатида бухгалтерия ҳисобида хўжалик юритувчи субъектларнинг активларидир. Юқоридагиларнинг барчаси электр энергияси, уни сотиб олиш ва сотишнинг вужудга келадиган молиявий муносабатларнинг акс эттириш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим объектларидир.

2.Электр энергиясини сотиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат.

\*электр энергиясини сотиб олинishi унинг моҳиятини очиб берувчи мезонларга мос равишда ҳисобга олиш;

\*электр энергиясини сотилишини унинг моҳиятини очиб берувчи мезонларга мос равишда ҳисобга олиш;

\*электр энергиясидан фойдаланилганлик учун тўловларни ўз вақтида келиб тушишини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобга олиш;

\*электр энергиясини сотишдан олинган даромадларни, сотиш таннарини, бошқа операцион харажатларни тўғри расмийлаштириш ва ҳисобини юритиш;

\*электр энергияси бўйича табиий камайишларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш;

\*электр энергиясини самарасиз фойдаланиши устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

3. Электр энергиясини сотиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби республика миқёсида марказлаштирилган ҳолда юритилади. Ҳисобни бундай миқёсда юритилиши айрим салбий ҳолатларга олиб келмоқда. Чунончи:

\*электр энергиясини сотувчи вилоят ва туманлар кесимидаги корхоналар ролини, маълум даражада пасайтирмоқда;

\*бухгалтерлар сонини чеклаб қўйилганлиги (туман ЭТКларида атиги бита бухгалтер ишлайди) дебиторлик қарзларни қўпайишига ва уларни қисқартириш устидан бухгалтерлик назоратини пасайишига сабаб бўлмоқда;

\*истеъмолчилар биоан ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ҳужжатли расмийлаштирилмасдан олинishiга, ударга даъво беришларни кечикикишига олиб келмоқда.

\*электр энергиясининг табиий камайишларини фақат тепадан белгиланган меъёрларга асосланиб ҳисобдан чиқарилишига;

\*туман бўлимларида дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг аналитик ҳисобини тўлиқ асосли юритилмаётганлигига, уларн ўзаро қоплаб юборилига, шу сабабли улар тўғрисидаги ахборотларни балансде реал акс эттирилмаслигига олиб келмоқда.

4. Корхоналар амалиётини ўрганиш улар раҳбарлари ва ҳисобчиларининг электр энергиясини тежашни фақат подстанцияларни ўчириш йўли билан амалга оширилаётганлигини, бу билан истеъмолчилар билан электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги шарътномаларни тўлиқ бажарилмасдан қолинаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, туман ЭТКларида электр энергияни ноқонуний йўлларда сарфлаш, ўғирлаш ҳолларини олдини олиш, бундай салбий жиҳатлар учун санкцияларни қатъий ва ўз вақтида қўллаш ишлари ҳам суе даражада олиб борилмоқда.

5. Бизнингча, туман ЭТКларини тўлиқ хўжалик ҳисобига ва тўлиқ тугалланган балансга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бутуман ЭТКлари

рахбарларининг масъулиятлари ва жавобгарликларини оширишга имкон беради.

6. ТуманЭТКларида бухгалтерия ҳисобини юритувчи тегишли штатдаги аппаратларни шакллантириш лозим, айнан шундай аппарат ҳисоб ишларини ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъмин эта олади.

7. Юз минглаб абонентларга хизмат кўрсатувчи туман ЭТКларида бухгалтерия ҳисобини замонавий компьютерларсиз ва дастурларсиз тасаввур этиб ўлмайди. Айнан компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби электр энергиясини сотиш, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини уларнинг ҳар бири кесимида тўғри юритилишига имкон беради.



## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон республикаси Солиқ кодекси Тошкент “ Адолат “ 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда).
3. “Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 22-августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган.
4. Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги 2010 йил 31-июлда 2127-сон билан рўйхатга олинган
5. Маҳсулот (иш, хизмат )ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган.
6. “Хўжалик юритувчи субъектлар ҳаражалари ва молиявий натижаларининг шаклланиши ҳисоби тартибини такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 15-октябрдаги 444-сон қарори
7. 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий – хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома “ Ўз.Рес.Адлия Вазирлигидан 2002-йил 23-октябрда рўйхатдан ўтган, №1181
8. “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002-йил 27-декабрдаги 140-сон буйриғи. ЎзР АВ томонидан 2003 йил 24-январда рўйхатдан ўтказилган, №1209 (кейинг ўзгаришлар билан)

9. Солиқ ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича методик кўрсатмалар.  
Т: “ Шарқ”

10.Каримов И.А. Асосий вазифамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон»,2010. – Б. 57

11. Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон

12.Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит.-Т.:Иқтисод молия,2010.- 260 стр.

13.Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, Таржима./А. Ризақулов, Б.Хасанов, А.Усанов, З.Маматов. Т.; 2004.

14.Болибеков Б.О ва бошқалар. Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари. Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: 2013.

15. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма.- Т.: «NORMA”. 2009. - 496 б.

16.. Urazov K.B. Buxgalteriya hisobi va audit. O‘quv qo‘llanma. – Т.: O‘qituvchi, 2004. -448

17.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б. Молиявий ҳисоб. – Самарканд, 2014.

#### **Интернет сайтлари**

18. ҳтtp:// BВВ . солиқ. Уз

19. ҳтtp:// BВВ . гоогле. Уз

20. ҳтtp:// BВВ . ҳисобат .uz